



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 9 ноябр, сешанба № 158 (805)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

АЖДОДЛАРИМИЗ ДАХОСИНИНГ БЕБАХО ЁДГОРЛИГИ

Мустақиллигимизнинг саккизинчи олтин кузи ҳам халқимиз учун хайрли келди. Ҳаётнинг ҳар жабҳасида яратувчилик, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Дехонларимизнинг йил давомида қилган заҳматли меҳнати бугун улкан хирмон бўлиб кўкка буй чўзаётди. Кўнгилларни фахр ва гурурга тўлдирадиган яна бир жихат эса тобора салмоқли бўлиб бораётган моддий неъматлар баробарида маънавий кадриятларимизнинг янада эъзозланаётганидир. Кўни кеча Урганчада миллий гуруримиз ва ватанпарварлигимиз рамзи Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланган эди. 6 ноябр кўни эса миллий шодиёналар қадим ва навқирон Термиз шаҳрига кўчди. Шаҳар марказида бунёд этилган улкан богда аждодларимиз даҳосининг бебахо ёдгорлиги - «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги катта тантана билан нишонланди.



Бутун Сурхон воҳаси, айниқса, Термиз шаҳри мардлик ва жасорат, садоқат ва юртсеварлик тимсолига айланган Алпомишнинг туйиға муносиб тайёрларлик кўрди. Бир вақтлар харобгина ҳарбий шаҳарча бўлган Термиз жуда қисқа муддатларда қурқ ва чирой касб этди. Шаҳар марказидаги яқин-яқингача хароба бўлиб ётган майдонни бугун танниш қийин. Бу ерда «Алпомиш» боғи ва меъморий мажмуи қад ростлади. Бир вақтлар каммиш босиб, ботқоққа айланган қўлда бугун зило сув чайқалиб турибди. Қирғоқларида туналарди чироклар порлайди. Термизнинг кенг ва раво кучалари, йўл ёқаларидаги адл дарахтлар, келинчақдек ёсанган биланолар, боғлар, юз-кўзида табассум балқиб турган мезбону меҳмонлар Алпомиш туйининг сурурини дилларга кўчиради. Ким билан гаплашсангиз, юртимизнинг мустақиллик боис юксалаётган гурури, тикланаётган шаън-шавакати, ўтмиш сабоқларию келажак озуралидан сузлайди. Алпомиш улуг юртнинг улуг фарзанди эди. Унинг бугунги авлодлари ҳам шу шаъну шавкатга муносиб экани билинади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун Термизга ташриф буюрди. Республика ва вилоят жамоатчилиги вакиллари, хорижлик меҳмонлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кўтиб олдилар. Алпомишнинг кўкка мағрур буй чўзган ҳайкали пойига Ўзбекистон Президенти номидан анвоий гуллар қўйилди. Бир қўлида ёй, бир қўлида ҳумо қили тугган, бошига дубулға кўндирган Алпомишнинг баланд ҳайкали кечки қўёш шафақида товланиб кетади. Ҳайкалнинг икки ёнида қанот янглиғ ёйилган паннода эса ойбарчиллар, қалдирғочийимлар, қахрамон болболаримизнинг тасвири. Ҳайкал қаршидаги зилол сув чайқалиб турган қўлни эса достонларда қўйланган Ойнақулга нисбат бериш мумкин. Қўлда сузиб юрган елканли қайиқлар эса маросимга узғача қурқ ва са-

лобат бағишлаб турибди. да жо бўлгани таъкидлади. Достон халқларимизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ бериб, одил ва ҳаққий бўлишга, юртимизни, дусту ёрчимизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовузулардан ҳимоя қилишга ургатиб келаятганини қайд этди. «Алпомиш» достонининг асрлар оша яшаб келаятгани боиси Сурхон элида унга муносиб авлодлар истиколат қилаётгани билан ҳам боғлиқ, деди Юртбошимиз. Давлатимиз раҳбари Сурхон воҳасининг жаҳон цивилизациясида тугган урни билан эканини таъкидлаб, бу юртада утган азиз инсонлар хотирасига ҳурмат бажо этди. Маросимда суз олган қураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Т.Муҳаммадиев, Бонн университетининг профессори, «Алпомиш» достонининг немис тилидаги наشري таржумани Карл Райхл ва бошқалар бундай улкан тантана миллий маданиятимизга эҳтиром ифодаси бўлишдан ташқари, ёш авлодни аждодлар шижоатига муносиб тарбиялаш ҳам улкан аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Шундан сўнг қўл ёқасидаги амфитеатрда театрлашган байрам томошалари бошланди. Ўзбекистон бахшичилик мактабининг вакили Шоберди бахши Болтаев сибизга садолари остида «Алпомиш» достонини бошлади. Томошабинлар кўз олдига Алпомишнинг тугилиши, болалигию ёшлиги, Ойбарчининг мусофирликда тортган азоблари, юрт соғинчи, Алпомишнинг юртга қайтиши гузал саҳна образлари орқали намойиш бўлди. Айниқса, Сурхондарё вилояти санъаткорларининг чиқишлари узоқ-қўндан келган меҳмонлардан чўкур таассурот қолдирди. Томошабинлар фақат буюк миллат маънавиятидагина шундай турфа «гуллар» мавжуд бўлиши ҳақидаги боқий ҳақиқатга яна бир бор имон келтирдилар. Алпомишни қўтлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳридан келган бадий жамоаларнинг чиқишлари Ўзбекистон санъатининг ўтмиши каби бугунги ва келажак ҳам буюк эканини намойиш этди. Тантаналарни Термизнинг мусофиро осмонидан порлаган мушак ёғдулари яқунлади. Шу кўни Термиз шаҳри-

Муслмон НАМОЗ, Чори ТУХТАЕВ, ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ ХИТОЙГА ЖЎНАБ КЕТДИ

8 ноябр кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзинминнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан мазкур мамлакатга жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз Президенти оммавий ахборот воситалари вакиллариға интервью бериб, жумладан, шундай деди:

Хитой Халқ Республикаси жаҳондаги йирик давлатлардан бири ҳисобланади. Бу мамлакат нуфузи катталлиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради, сайёрамиз аҳолисининг 21 фоизи ушбу мамлакатда яшайди. Хитой халқро ҳамжамиятда ҳам катта нуфузга эга бўлиб, иқтисодиёти юқори суръатлар билан ривожланиб бораётди. Бугун бутун дунё Хитойнинг XXI асрдаги истиқболига жуда катта хайрихоҳлик ва ҳурмат билан қараётди.

Бир пайтлар Хитой аҳолиси тез ўсаётгани боис кўпчилида шўбха тугилган эди. Яъни бу давлат халқини қандай боқадди, озиқ-овқат билан қандай таъминлайди?.. Бугунги кунда мамлакат нафақат ўз аҳолисини озиқ-овқат билан тула таъминлаётди, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт ҳам қилаётди. Бир суз билан айтганда, Хитой, ҳақиқатан ҳам тез ривожланиб, тараққий этган давлатлар қаторидан жой эгаллаётган мамлакатлардан биридир. Айти пайтада у халқро майдонда катта обрўга эга. Бугун унинг овозига, айтадиган галига бутун дунё катта ҳурмат ва эътибор билан қараётди. Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо беш давлатдан биридир. Шу нуқтаи назардан қараганда, Хитой билан ҳамкорликнинг мустақамлалиши улкамизда, умуман, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик собит туришида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий алоқалар ҳақида гапирсак, давлатларимиз ўртасидаги бундай алоқалар мустақам заминга эга. Лекин очик айтиш керак, бу алоқалар имкониятлар даражасида эмас. Ҳозир мамлакатимизда жами ун бешта қўшма корхона мавжуд. Бу - оз. Шунинг учун бизнинг мақсадимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни юқори даражага кўтариш. Шу нуқтаи назардан, узаро манфаатли ва тенг алоқаларни ўрнаттишда катта имкониятлар бор ва ундан унумли фойдаланишимиз керак.

Бунинг учун аввало транспорт, яъни коммуникация масаласини тезроқ ечимисиз лозим. Бу муаммо айрим масалаларнинг тезроқ ҳал қилинишида асосий тўсиқ бўлиб турибди. Хитой орқали, жанубий бандаргоҳлар, Япония яқинида жойлашган Шанхайга чиқиш бизнинг энг муҳим стратегик мақсадларимиздан бири. Мазкур ташрифимиз чоғида шу масалани ҳам алоҳида муҳожама қилиш қўзда тутилмоқда. Сабаби бундай ҳамкорликдан Хитой томони ҳам жуда манфаатдор.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ: АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

8 ноябр. Пекин. (ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ АНВАР БОБОВЕВ ХАБАР ҚИЛАДИ). ШУ КЎНИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ХИТОЙГА ЕТИБ КЕЛДИ.

Хитой Халқ Республикаси Халқ Йўғини уйдада Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий қўтиб олиш маросими бўлди. Фахрий қорувул саф торди. Давлат мадҳиялари йўғради. Шундан сўнг, Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов ва ХХР раиси Цзян Цзинминнинг юзума-юз суҳбатиди бошланди. Президентлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, халқро муаммолар, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳожама қилди. Ягона фикрга келинган масала шу бўлдики, икки давлат раҳбари узаро ҳамкорликдан мамнуллиқ билдириб, алоқаларни янада мустақамлашга бирдек қўли эътибор қаратишга келишиб олди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида эса Ўзбекистон билан Хитой ўртасида телекоммуникация, транспорт, сайёҳлик, савдо-сотиқ, таълим, ҳуқуқ ва қатор бошқа соҳаларда узаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларни қўрилади. Музокаралар ниҳоясида икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида Дўстона ҳамкорлик алоқаларини янада

ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида Экстрадация тўғрисидаги битимга имзо чекдилар. Шунингдек, ақлий муноқишавий алоқа, телекоммуникациявий алоқа, ақлий мулк ҳуқуқларини муҳожама қилиш, Хитой томонидан Ўзбекистонга имтиёзли кредит бериш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири-лигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини билан Хитой Дипломатия университети ўртасида, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири-лиги билан Хитой Таълим вазири-лиги ўртасида, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Хитой давлат сайёҳлик қўмитаси ўртасида ва Ўзбекистон Ички ишлар вазири-лиги билан Хитой Жамоат хавфсизлиги вазири-лиги ўртасида, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Хитой давлат сайёҳлик қўмитаси ўртасида ва Ўзбекистон Ички ишлар вазири-лиги билан Хитой Жамоат хавфсизлиги вазири-лиги ўртасида ҳам ҳужжатлар имзоланди.

Оқшом ХХР раиси Цзян Цзинмин номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов шарафига қабул маросими уюштирилди.

(ЎЗА)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «АЛПОМИШ» ДОСТОНИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадри ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Кечагина биз халқимиз озодлиги йўлида ҳам фидо этган миллий қахрамонимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонладик. Бугун эса аждодларимиз бадий даҳосининг бебахо ёдгорлиги «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги байрамиди сиз азизлар билан дийдор қўришиб турганимдан гоят мамнунман. Ҳар қайси миллатнинг уз афсонавий баҳодирини, севган пахлавонини бор. Алпомиш номи ҳам бизнинг шууримизга мунис оналаримиз айтган аллалар билан кирган. Аждодлар ёди, фахру гурури бизнинг хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлган. «Алпомиш» - ўзбекнинг узлигини намойиш этадиган, мард ва танти халқимизнинг юрак-юрағидан чиққан, ота-боболаримиз авлодлардан авлодларга ўтказиб келаятган қахрамонлик қўшиғидир. Халқимиз азалдан уз вужуди, уз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмақчи интилиб яшайди. Уз углонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл пахлавонлар этиб тарбиялаб келди.

«Алпомиш» достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳаққий бўлишга, уз юртимизни, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дусту ёрчимизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ургатади. Мухтарам биродарлар! «Алпомиш» достони - бутун ўзбек халқининг маънавий мулкидир. Лекин нима учун биз унинг туйини айнан Термиз шаҳрида, Сурхон воҳасида ўтказяпмиз? Негаки, Сурхон воҳаси аввало «Алпомиш» достони тугилган қўтлуғ маскан. Алпомиш мана шу бепойвон яйловларда, баланд тоғ дарраларида гумбурлатиб от чопган, шу юртининг зилол кулларидан сув ичган, шу мағрур элга муносиб пахлавон бўлиб өтишган. Шунинг учун ҳам Барчиной душманларга қарата гурур билан: «Менинг ёрим билсанг Бойсун султони», деб айтади. Сурхон жаҳон цивилизациясининг қадимий бешиклари - миллоддан аввалгилар Кашон ва Бактрия давлатларига замин бўлгани билан оламга машҳур. Воҳадаги Далварзинтела, Холчаён, Тиллатела, Зараўтсой, Тешиктош, Фаёзтела сингари қўна маконлар, у ерларда топилаган археологик ашёлар қўпминг йиллик тарихимизнинг ноб ёдгорликларидир. Бу тўпроқ азалдан илму ҳунар, ҳикмат ва санъат ру-

ҳан юзлаб халқ бахшиларининг истеъдоди қарши-сидда таъзим қиламиз. Агар илоҳи бўлса, мен ана шу инсонларнинг номларини маънавиятимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзган бўлу эдим. Мухтарам жамоат! Бахши-шорлар уз халқонинг бийрон тилидир. Улар юртимизда доимо «Бахшили эл - яхшили эл» деб улуғланган. Бугун биз Ёдгор Бахши ва Тилла кампир, Жоссоқ шoir ва Амин бахши, Шерна бахши ва Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ва Пулкан шoir, Ислоом шoir ва Абдулла шoir, Саидмурод Панох ва Бекмурод Жўрабой угли, Берди бахши ва Раҳматулла Юсуф угли, Қодир шoir ва Шоберди бахши каби достончиларнинг номларини эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг ноб қобилияти, юксак маҳорати туйфайли «Алпомиш» бор салобати ва нафосати билан яшаб келмоқда. Бугун биз бу улмас асарни ёзиб олиш, нашр этиш, илмий ўрганиш, таржима ва тарғиб қилиш ишига улкан ҳисса қўшган Ходи Зариф, Ҳамид Олимжон, Музайяна Алафия, Мансур Афзалов каби заҳматқўр инсонларни, қўллаб-қўллашчи олимларни ҳам миннатдорлик билан эслаймиз. Ҳурматли юртдошларим! Термиз - Самарқанд, Бухоро, Хива сингари халқи-

лади, ватанга садоқатли, жасур ва энгилмас инсонлар бўлиб улғаяди. Сурхон воҳасининг бетақтор табияти, Боботог, Бойсун, Вахшвор сингари баланд тоғлари, Олтинсой, Сангардак, Сайро, Хонжизза каби гузал гушаларини бир бор қўрган одам беихтиёр бу юртга мафтун бўлиб қолади. Бу заминда яшаб, фидокорона меҳнати билан унинг қўрғига қўрқ, чиройига чирой қўшаётган инсонларга, айниқса, ёш угил-қизларимизга менинг ҳавасим келади. Ҳар қандай инсон бу юрғи очик, мард ва танти, ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом одамлар билан чин қўнғилдан яқин бўлишни истади. Шу унутилмас, ҳаяжонли даҳларда Алпомишдек баҳодирларни камолга етказган она халқимга яна бир бор таъзим қиламан. Юртимиз осмон доим мусоффо, халқимиз ҳамини омон бўлсин!

